



доимий тўловга қобилиятсизлик — агар судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида, агарда ариза йилнинг биринчи чорагида берилган бўлса, ўтган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетган бўлса.

Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиладиганда, жисмоний шахслар, шунингдек яққа тартибдаги тадбиркорнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиладиганда қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сон қарорига илова қилинган «Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш Қоидалари» (кейинги ўринларда матнда Қоидалар деб юритилади) нинг 3-бандига кўра, суд бошқарувчиси, ўзи тайинланган вақтдан бошлаб, мазкур Қоидаларда назарда тутилган сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш бўйича ҳаракатларни амалга ошириши ҳамда чоралар кўриши шарт.

Ушбу Қоидаларнинг 37-бандига кўра, таҳлил натижалари бўйича суд бошқарувчиси томонидан сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжудлиги тўғрисидаги хулоса ёхуд ушбу аломатларнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек таҳлил қилиш учун зарур маълумотлар ва ҳужжатларнинг йўқлиги тўғрисидаги хулоса тузилади.

Қоидаларнинг 38-бандига кўра, сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжудлиги тўғрисидаги хулоса имзолангандан кейин 10 иш кунидан кечикмай кредиторлар йиғилишига, иқтисодий судга ва прокуратура органларига тақдим этилади.

Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулоса имзолангандан кейин 10 иш кунидан кечикмай кредиторлар йиғилишига, иқтисодий судга тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан тугатиш бошқарувчи лавозимига 3-тоифали суд бошқарувчиси Ф.Соибов номзоди кўрсатилган.

Бундай ҳолатда, суд иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, аризачи вакилининг кўрсатмасини тинглаб, аризани қаноатлантиришни, қарздор «[REDACTED]» масъулияти чекланган жамиятини соддалаштирилган тартибда банкрот деб топишни, 3-тоифали суд бошқарувчиси Ф.Соибовни тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлашни, тугатишга доир иш юритишни бошлашни, тугатиш бошқарувчисига қонун билан белгиланган мажбуриятларини тўлиқ бажариш юзасидан кўрсатма беришни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 112-113, 176 ва 179-моддаларини қўллаб, «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Қонуннинг 5, 51, 140-моддаларига асосланиб, суд-

қ а р о р   қ и л д и :

Яккабоғ тумани Давлат солиқ инспекциясининг қарздор «[REDACTED]» масъулияти чекланган жамиятини соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилсин.



Қарздор « [REDACTED] » масъулияти чекланган жамияти соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топилсин ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошлансин.

Қарздор « [REDACTED] » масъулияти чекланган жамиятини тугатишга доир иш юритишни бошлаш учун 3-тоифали суд бошқарувчиси Ф.Соибов тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлансин.

Тугатиш бошқарувчисига:

Қарздорни тугатишга доир иш юритишни бошлаш, уни ташкил этиш ва расмий нашрда эълон бериш, кредиторлар талаблари реестрини юритиш ва кўриб чиқиб, қарздорнинг учинчи шахсларда турган мол-мулкани қидириш, аниқлаш ва қайтаришга қаратилган чораларни кўриш, қарздор олдидаги қарзларни ундириш чораларини кўриш ҳамда қилинган ишлар юзасидан судга оралиқ ҳисобот ҳамда уч ой (2023 йил 5 сентябргача) муддатда тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги тўғрисида якуний ҳисобот тақдим этиш;

Қарздорда сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш чораларини кўриш ва хулоса тайёрлаш, имзолангандан кейин ўн иш кунидан кечикмай:

банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжудлиги тўғрисидаги хулосани кредиторлар йиғилишига, иқтисодий судга ва прокуратура органларига;

банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулосани кредиторлар йиғилишига, иқтисодий судга тақдим этиш юклатилсин.

Қарздор « [REDACTED] » масъулияти чекланган жамиятидан Республика бюджетига 990 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Қарздор « [REDACTED] » масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан Яккабоғ тумани Давлат солиқ инспекцияси фойдасига 33 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган тарафлар ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир ойлик муддатда Яккабоғ туманлараро иқтисодий суди орқали Қашқадарё вилоят судининг апелляция инстанциясига шикоят беришга (протест келтиришга) ҳақли.

Судья

С.Турсунов

